

Қуръони Карим дарслари (26-дарс). Қуръони каримнинг тарқоқ нозил бўлиши ҳикматлари



21:10 / 25.03.2019 7220

Ваҳий илоҳий ҳикмат ила Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шароитга мувофиқ, тарқоқ ҳолда нозил бўлиб борди. Аллоҳ таоло ваҳий орқали у зот алайҳиссаломга ҳар куни янги таълим берар, тўғри йўлни кўрсатиб, ҳидоят қилар, қадамларини собит қилиб, хотиржамликларини зиёда этарди. Шу билан бирга, Қуръони карим саҳобийларга ҳам муносиб тарзда нозил бўлиб, уларни тарбия қилар, бузуқ одатларини ислоҳ этар ва воқеликдаги муаммоларига жавоб берарди. Ўз таълимотлари ва шариат ҳукмларини бирданига тушириб, уларни чўчитиб юбормас эди. Ушбу мувофиқлик ваҳийнинг тарқоқ ҳолда нозил бўлишида яққол кўринади. Ваҳий ҳожатга қараб, беш, ўн, ундан кўп ва кам оятларда нозил бўларди. Ифк ҳодисасида бирданига ўн оят нозил бўлгани, Муъминун сурасидаги аввалги ўн оятнинг бир йўла нозил бўлиши, Нисо сураси 95-оятининг бир

қисми бўлган «پ پ پ» - «*Ғойру улид-дорори*» жумласининг алоҳида нозил бўлгани саҳиҳ ривоятларда собитдир. Шунингдек, Тавба сурасидаги 28-оятнинг «ق ق ف...» - «*ва ин хифтум ъайлатан...*» деб бошланган иккинчи ярми оятнинг аввали нозил бўлгач, орадан бир мунча вақт ўтганидан кейин тушган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига бирин-кетин ўқиб беришлари учун Қуръони Каримнинг ушбу тарзда, тарқоқ ҳолда нозил бўлиши давом этди. Қуръони карим Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йигирма уч йиллик пайғамбарлик ҳаётлари мобайнида ҳодисалар, воқеалар, шахсий ва ижтимоий муносабатларга қараб босқичма-босқич нозил бўлди.

Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

﴿١٦﴾ تَنْزِيلًا وَنَزَّلْنَاهُ مَكِّثًا عَلَى النَّاسِ عَلَى لِقَاءِ رَبِّهِمْ فَرَّقْنَاهُ وَفَرَّأْنَا

«Ва Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришинг учун бўлиб қўйдик ва бўлак-бўлак қилиб нозил этдик» (106-оят).

Ушбу оятда Қуръони каримнинг бир йўла тугал бир китоб ҳолида эмас, балки бўлак-бўлак этиб нозил қилинганининг ҳикмати ҳақида сўз боряпти. Албатта, бунинг улкан ҳикматлари бор эди. Ояти каримада ўша ҳикматлардан бири - одамларга «аста-секин ўқиб бериш» зикр қилиняпти. Албатта, ўттиз пора Қуръон бир йўла тушса, уни одамларга ўқиб бериш осон бўлмас эди. Ўқиб берилганда ҳам, одамларнинг уни қабул қилиб олишлари осон бўлмас эди. Энг муҳими - Қуръони карим ўқиш учунгина эмас, асосан ўқиб, амал қилиш учун туширилган илоҳий дастурдир. Уни бир йўла ўқиб, бир йўла амал қилиш осон эмас. Шу сабабдан ҳам жоҳилият ботқоғига ботган одамларни аста-секин тарбиялаб, Ислom нурига олиб чиқиш учун йигирма уч йил керак бўлди. Шу даврда жаҳон тарихида мисли кўрилмаган ажойиб бир мусулмон уммати тарбияланиб, вояга етди. Улар ҳар бир нозил бўлган оятни ўқиб, ўрганишар, ёд олишар ва унга амал қилишар эди. Ушбу шартларни амалга оширмагунларича, бошқа оятлар тушган бўлса ҳам, уларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан олмай туришарди. Оқибатда саҳобаи киромларнинг ҳар бирлари икки оёқда юрадиган тирик Қуръонга айландилар ва оз муддатда ер юзига Қуръон таълимотларини тарқатдилар.

Аллоҳ таоло Фурқон сурасида марҳамат қилади:

﴿٣٢﴾ تَرْتِيلاً وَرَتَّلْنَاهُ فُوَادِكُمْ بِهِ لِنُنَبِّتَ كَذَلِكَ وَحُدَّةَ جَمَلَةِ الْقُرْآنِ عَلَيْهِ نُزِّلَ لَوْلَا كَفَرُوا الَّذِينَ وَقَالَ

«Куфр келтирганлар: «Унга Қуръон бир йўла нозил қилинса эди», дедилар. Сенинг қалбингни у билан собит қилиш учун шундай қилдик ва уни тартил билан тиловат қилдик» (32-оят).

Қуръони каримнинг тарқоқ ҳолда, аста-секин нозил бўлишининг ўзига яраша ҳикматлари бор эди.

(давоми бор)

«Қуръон илмлари» китобидан